

VII. ХИЗМАТЛАР

2018 йил январь-сентябрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 3130,6 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2017 йил январь-сентябрига нисбатан ўсиш 108,1 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш (2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун)


	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Жамига нисбатан %
Хизматлар – жами	3130,6	108,1	100,0
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	223,6	112,8	7,1
молиявий хизматлар	402,8	129,1	12,9
транспорт хизматлари	884,3	103,3	28,2
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	847,9	103,1	27,1
яшаш ва овқатланиш хизматлари	75,0	103,1	2,4
савдо хизматлари	867,3	104,2	27,7
қўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	107,0	102,8	3,4
таълим соҳасидаги хизматлар	117,2	128,4	3,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	55,6	107,3	1,8
ижара хизматлари	74,3	109,3	2,4
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	115,6	103,7	3,7
шахсий хизматлар	99,2	102,6	3,2

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, %</i>	<i>Жамига нисбатан %</i>
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	29,9	103,9	1,0
бошқа хизматлар	78,7	106,2	2,5

Хизматлар таркибида энг катта улушни транспорт хизматлари (28,2%), савдо хизматлари (27,7%), молиявий хизматлар (12,9 %) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (7,1 %) тўғри келади.

Шунингдек, молиявий хизматлар (129,1%), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (107,3 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (112,8%), таълим соҳасидаги хизматлар (128,4 %) ва бошқа турдаги хизматларда (106,2 фоиз) ўсиш суръатлари юқори бўлди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда олиб борилаётган бозор ислохотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифати ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Транспорт хизматларининг умумий ҳажмида қуруқликдаги транспорт хизматлари – 98,3 %, омборга жойлаштириш хизматлар ва ёрдамчи транспорт хизматлари – 1,6 %, почта ва курьерлик хизматлари – 0,1 % ни ташкил этади.

**Транспорт хизматларининг таркиби
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)**




Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.


2018 йил январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 223,6 млрд.сўмга тенг бўлди. 2017 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 12,8 % ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш суръати, %



Вилоятда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича энг юкори ўсиш суръати Январь ойида (117,4 %) кайд этилди.

Молиявий хизматларнинг ўсиш суръати, %




Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (89,1%) устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 9,3% ни, ёрдамчи молиявий фаолият 1,6% ни ташкил этди.

Шаҳар ва туманлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш

	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Жамига нисбатан %
Хоразм вилояти	3130,6	108,1	100
Урганч шаҳри	1513,7	114,9	48,4
Хива шаҳри	99,9	105,0	3,2
<i>туманлар:</i>			
Боғот	145,9	101,5	4,7
Гурлан	153,7	101,1	4,9
Кўшкўпир	131,8	100,6	4,2
Урганч	257,5	107,2	8,2
Хазорасп	206,9	101,7	6,6
Ханқа	154,9	102,3	4,9
Хива	107,1	101,4	3,4
Шовот	138,0	101,3	4,4
Янгиариқ	116,7	100,1	3,7
Янгибозор	104,5	101,1	3,3


Вилоят бўйича хизматларнинг умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Хизматлар соҳасининг ривожланишида энг катта улуш Урганч шаҳри (48,4%), Урганч (8,2%), Хазорасп (6,6%), Гурлан (4,9%) туманларида кузатилмоқда.

Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Хива шаҳри (3,2 %), Янгибозор (3,3 %), Хива (3,4 %), Янгиариқ (3,7 %) туманлари эгаллайди.

**Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор
хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)**



2018 йил январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича бозор хизматлари ҳажми аҳоли жон бошига 1724,8 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,4 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Урганч шаҳрида (10750,6 минг сўм), Янгибозор (1233,6 минг сўм), Урганч (1345,1 минг сўм) ва Гурлан (1067,6 минг сўм) туманларига тўғри келади.

Ҳудудлар ўртасида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг паст кўрсаткич Кўшкўпир (791,8 минг сўм), Шовот (839,5 минг сўм), Хива (761,2 минг сўм) туманларида кузатилди.